

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

КОРХОНАЛАР АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қиличев Ботир Пардаевич

Япониянинг Тоё университети

«Халқаро туризм менежменти» магистранти

e-mail:botirklichev@gmail.com

Илмий раҳбар: Қличев Б. П.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

«Молиявий таҳлил» кафедраси доценти, ПҳД

e-mail: klichev.baxtiyor@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6938-7897

Аннотация: Мазкур тадқиқот ишида корхоналарнинг асосий даромад келтирувчи операцион фаолияти таҳлилининг зарурлиги, таҳлил натижасида олинган натижаларнинг фаолият самарадорлиги ҳамда соҳа ривожи учун қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

Таянч сўзлар: операцион фаолият, корхона самарадорлиги, муаммоли жиҳатлар, таҳлилни ташкил этиш зарурлиги, эришиладиган натижалар

Ўзбекистонда минтақалар кесимидағи иқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи муҳим омиллардан бири шу минтақа иқтисодиётининг турли тармоқларининг ривожланиши ҳамда шу тармоқда фаолият олиб бораётган иқтисодий субъектларнинг фаолиятига, унинг натижавийлигига боғлиқ ҳисобланади. Халқаро ва миллий даражада корхоналарнинг асосий даромал келтирувчи фаолияти таҳлилини ташкил этиш ва мазкур фаолият самарадорлигини оширишда турли йўналиш, усул ва методлардан фойдаланилади. Лекин мазкур усулларда операцион фаолият таҳлилини ташкил этишнинг умумий жиҳатлари назарда тутилган бўлиб, иқтисодиётнинг аниқ бир соҳасида, шу соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари нисбатан кам ўрганилган. Бугунги кунда ривожланган давлатларда операцион фаолият таҳлилини ташкил этишда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни қўллаш доираси корхоналар фаолият олиб борадиган тармоқ ва соҳалар хусусиятидан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Шу боисдан, ишлаб чиқариш, сервис, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа тармоқларда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Республикамида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналар фаолиятини ривожлантириш асосида мамлакат ялпи ички маҳсулоти

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

ҳажмини кескин ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини қўпайтириш ҳамда миллий фаровонликни таъминлашдан иборатdir. Жумладан, 2022-йил 24-январда Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан қабул қилинган «Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-99 қарорининг иккинчи бандида келтирилган «маҳсулот ишлаб чиқариш ва мавжуд кувватларни кенгайтириш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда уни кенгайтириш»¹ каби вазифаларини бажаришда мазкур тадқиқотда эришилган натижалар муҳим аҳамият касб этади. Операцион фаолият таҳлилини ўтказиш ва уни такомиллаштириш масалаларига бугунги кунда катта эътибор қаратиш объектив заруратга айланиб, бу бўйича янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш илмий тадқиқотларнинг устувор ўналишлари ҳисобланади.

Корхоналар операцион фаолияти таҳлилини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг корхоналар операцион фаолияти таҳлилини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш ва уни ривожлантириш борасидаги тадқиқотларда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш, савдо ва бошқа фаолиятлар билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи бошқарув қарорларини ишлаб чиқища қўллаш фаолият самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг олий таълим муассасаларида бухгалтерия ва молия мутахассислигига кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида ўқитиладиган фанлар ва модуллар бўйича ўқув дастурлари ва ресурсларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш соҳада етук кадрлар тайёрлашда таълим самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қиласди.


Корхоналарда операцион фаолият таҳлилини зарурлигини қўйидагicha изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита функционал вазифаси, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни самарали амалга ошириш лозимлиги инобатга олинади. Иккинчидан, корхонанинг инвестицион ва инновацион ривожланиши корхона фаолият олиб борадиган соҳа ривожи учун ўйналтирилади. Учинчидан, соҳа ривожи бўйича хукumat доирасида қабул қилинадиган қарорлар ижроси манзилли ўйналтирилади ҳамда корхона имкониятлари ва қувватлари ҳам ушбу вазифани бажаришга қодир бўлишлиги таъминланади. Тўртинчидан, барча мавжуд имконият ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Президентнинг «Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2022 йил 24 январь ПҚ-99-сон қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2022 йил, 07/22/99/0060-сон

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

воситалардан мақсадга мувофиқ фойдалана оладиган етарли малакага эга бўлган мутахассислар ҳам мавжуд бўлиши керак. Ушбу санаб ўтилган жиҳатлар биргалиқда ишлаб чиқариш корхоналарининг операцион фаолияти самарадорлигини ташкил қиласди.

Расмдан кўриниб турибдики, операцион фаолият самарадорлигига эришиш учун албатта хўжалик юритувчи субъектларда содир бўлган жараёнлар натижаси лозим бўлади ва ушбу натижалар аниқ рақамларда ифодаланган кўрсаткичларда ҳам ўз тасдигини топиши лозим.



1-расм. Корхоналарда асосий фаолият таҳлилининг ташкил этиш жараёни².

Умуман олганда, корхоналарнинг моливий-хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва натижавийлиги бевосита операцион фаолият натижаларига боғлиқ ҳисобланади. Бу биринчидан, операцион фаолият корхонанинг асосий даромад олиб келувчи фаолият тури эканлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, операцион фаолият натижалари молиявий ва инвестициявий фаолият натижавийлигига таъсир этувчи асосий омил, уларни ҳаракатлантирувчи дастак ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, корхоналар операцион фаолият таҳлили ва уни ташкил қилишнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиш жараёни шуни кўрсатдики, мамлакатимиз иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти, эришаётган молиявий натижалари муҳим аҳамиятга эгалигига қарамасдан, олимларимиз томонидан етарли даражада ўрганилмаган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда ҳам кам ёритилган. Зоро, хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий даромад олиб келувчи операцион фаолият натижалари, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари бугунги кун таҳлилий изланишларининг асосини ташкил этиши керак. Ушбу жиҳатларни инобатга олиб, тадқиқот ишимизда корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида операцион фаолият натижаларининг аҳамияти, операцион фаолияти таҳлилининг мазмuni ва уни ташкил этиш зурурлиги масасалалари кўриб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

² Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

1. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). ИШЧИЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИ ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
2. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион цикл таҳлилини ташкил этиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 16(1), 196-203.
3. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728.
4. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
5. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, 2, 2181-1016.
6. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилиармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
7. Maxmatqulova H.G'. "Properties of borel sets" . "Innovation in technology and Sciense Education", Scientific journal.2023. Vol.2.№14. P.169-175.
8. Ochilov, O. I. (2022). INVESTMENT QUALITY ANALYSIS IN BUSINESS ENTITIES. Архив научных исследований, 2(1).
9. Ochilov, O. (2022). ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. Архив научных исследований, 2(1).
10. Ochilov, O. I. (2019). DEVELOPMENT OF METHODOLOGY FOR RECOGNIZING REVENUES FROM INVESTMENTS. In Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития (pp. 96-99).
11. Ochilov, O. I. (2019). THEORETICAL BASES OF INVESTMENTS ACCOUNTING. In БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА (pp. 209-214).
12. Ochilov, O. I. (2018). METHODOLOGICAL ASPECTS OF FINANCIAL AND ECONOMIC PERFORMANCE ANALYSIS OF BUSINESS ENTITY. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА, СТАТИСТИКИ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ (pp. 26-34).
13. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

14. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759
15. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
16. Kholdorov Sardor Umarovich. (2024). LIQUIDITY RISK MANAGEMENT IN THE BANKING SECTOR: CHALLENGES, STRATEGIES AND IMPLICATIONS. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 122–131. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3255>
17. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
18. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'naliishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
19. Yakypbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. , Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIIA JURNALI | JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from <https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>
20. Abdullayev, A., & Djamatov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.
21. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o'rni.
22. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.
23. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.
24. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>